O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 30 ноябрь, № 237 (4390) Жума

# СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Оқсаройда 29 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш умумий ўрта таълим тизимининг, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисмига айланди.

— Спорт — соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир, — деди Президентимиз. — Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани кузатилмоқда. Бу рақамлар — юртимизда ҳаёт сифатини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самараларидир.

Мамлакатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича ишлар янада кенг кўлам ва изчиллик касб этмоқда. Ўтган қисқа даврда юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш борасида катта ютуқларга эришилди. Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга лойиқдир.

Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналиши спорт иншоотлари барпо этиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, қайд этилган кенг қамровли қурилиш ишларига ўтган беш йил мобайнида 85,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Жойларда ёш авлод камолоти йўлида бунёд этилаётган болалар спорти иншоотлари нафақат замонавий ва қулай, айни вақтда, шаҳар ҳамда қишлоқларимизнинг кўркига-кўрк бўлиб тушиши зарур, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу маънода, маданият объектлари, коллеж, лицей, мактаб ва болалар спорти иншоотларида қурилиш ишларининг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш бўйича ихтисослашган пудратчи ташкилотлар фаолиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Барпо этилаётган иншоотларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш изчил амалга оширилмоқда. Республикамизда янги қурилган спорт мажмуалари, мактаб спорт заллари ва бошқа болалар спорт иншоотлари учун замонавий спорт жиҳозларини хориждан келтириш кўп жиҳатдан ўзини оқламайди. Шу боис зарур спорт инвентарларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари юртимизда тайёрланаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичлари ягона ва мустаҳкам тизим асосида яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ўтган даврда бу борада, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, сифатли маҳсулотларни маҳаллий шароитда тайёрлаш амалиёти кенг жорий этилди.

Замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорти жиҳозларини кенг кўламда ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, янги қурилган болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун тавсия этиладиган спортнинг ҳар бир тури бўйича энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Шу асосда 55 корхонада болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Олдимизда турган муҳим масалалардан бири ана шу маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган спорт ускуна ва анжомлари, спорт кийимлари ва жиҳоз-

(Давоми 2-бетда).

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 29 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Ф.Аминов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари муттасил ошмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов Бухоро инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккирлар ватанидир, деб таъкидлади. Уларнинг ворислари бугун ҳам кўплаб соҳаларда катта муваффақиятларга эришмоқда — олий ўқув юртларига киришдаги тест синовлари натижалари бўйича бухоролик йигит-қизлар етакчилик қилади, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари халқаро илмий олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Учрашувда Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев, Жондор туманидаги "Оллоҳназар-Бобоназар-Шоҳназар" фермер хўжалиги раиси Бобоназар Чориев, модельер-дизайнер Насиба Йўлдошева, Бухоро давлат университети талабаси Дилноза Исаева, бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев, шоир Садриддин Салим Бухорий ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим кафолат бўлишини алоҳида қайд этдилар.

**А. БОБОЕВ,**
**Э. ЁДГОРОВ,**
***ЎзА махсус мухбирлари.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 29 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ ЖИЗЗАХЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қобилов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Эшбеков йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги яхшиланиб бормоқда. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг раиси Ислом Хушев, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосда ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, сайлов тизимларимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
***ЎзА мухбири.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Ўзбекистон ва Россия компанияларининг нефть-газ тармоғидаги самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.***

# ХАУЗАКДА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ БОШЛАНДИ

Россиянинг йирик компанияларидан бири — "Лукойл" сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорида самарали фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилнинг ноябрида кучга кирган Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим шартларига кўра, Тошкентда Қандим-Хаузак-Шоди-Қўнғирот мегалойиҳасини бошқариш бўйича "Лукойл Ўзбекистон оперейтинг" операция компанияси ташкил этилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни 50-50 тизими бўйича тақсимлаш кўзда тутилган. Лойиҳага сарфланадиган инвестиция миқдори уч миллиард доллардан ошади. Уни "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Лукойл оверсиз Ўзбекистон ЛТД" шўъба компанияси таркибидаги сармоядорлар консорциуми амалга оширмоқда.

Мазкур лойиҳанинг илк амалий самарасига эришилди – Хаузак газ конидан саноат усулида маҳсулот қазиб чиқариш бошланди. Бухоро вилояти ҳудудидаги Денгизкўл қирғоғида жойлашган ушбу иншоотда қисқа вақт ичида сейсмологик қидирув ишлари амалга оширилиб, эксплуатация қудуқлари қазилди, участка ободонлаштирилди, электр узатиш линияси барпо этилди, автомобиль йўллари қурилмоқда. Бурғулаш ишларини тегишли тендерда ғолиб чиққан Хитойнинг TUHA компанияси амалга оширмоқда. Биринчи қудуқнинг чуқурлиги 3 минг метрни ташкил қилади. Хаузак конида жами 37 та янги қудуқ кавланади.

Хаузак кони ишга туширилиши муносабати билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Россиянинг

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



***Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилади.***

Унда парламент юқори палатаси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети, шунингдек жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган бир қатор қонунлар ва масалалар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

Кеча, 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров бошқарди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдиновнинг парламент юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган 2008 йилги Давлат бюджети, қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига таааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг барча қўмиталари, хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Ташқи сиёсат масалалари; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда сенаторлар ўн иккинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети ҳар томонлама ва муфассал кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш

(Давоми 2-бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***27–29 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган савол-жавоблар ва ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамасидан кейин депутатлар киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев томонидан тақдим этилди. Ҳужжат ҳар бир моддасининг батафсил муҳокамаси чоғида уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилди. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

# ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Россия-Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги Россия миллий кўргазмаси давом этмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Россиянинг Олтой ўлкаси, Чуваш Республикаси, Пенза, Самара, Тюмень, Ярослав, Волгоград, Томск, Челябинск, Саратов, Ленинград, Новосибирск вилоятлари каби ўн етти субъектидан икки юзга яқин компания ва корхона ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда. Улар орасида нефть-газ, кимё, кончилик, фармацевтика соҳаларига, қишлоқ хўжалиги техникаси, оғир юк ташувчи ва енгил автомобиллар, трактор ва комбайнлар, қурилиш материаллари, мебель ва мебель фурнитураси, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхона ва компаниялар бор.

Россия Миллий кўргазмасининг иккинчи куни Ўзбекистон билан Россия ўртасида минтақаларaро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Россия Федерацияси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарларни сертификатлаштиришга бағишланган конференциялар, авиа-космик, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутувчи давра суҳбатлари, семинарлар, шунингдек, Пенза, Улья-

(Давоми 2-бетда).

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ЎЗ САМАРАДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

***Қоҳирада Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девони қўшма йиғилишидаги маърузасининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Мисрда чоп этиладиган «Абулхаул ад-Давлия» газетаси босмахонасида республикамизнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон раҳбарининг мазкур маърузаси араб тилида чоп этилди.

Аҳмад Шавқий мезейининг Карима ибн Хоний маданият марказида бўлиб ўтган тақдимотда Мисрнинг расмий, ижтимоий-сиёсий, таҳлилий ва ишбилармон доиралари, Қоҳирада аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, шунингдек, маҳаллий журналистлар ҳамда бошқа араб давлатлари оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, фуқаролар эркинликлари ва конституциявий ҳуқуқларининг таъминланиши юзасидан кенг кўламли демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари ўз ифодасини топган мазкур муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятига оид маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Мисрнинг қатор экспертлари ва жамоат арбоблари Президент Ислом Каримовнинг ушбу маърузасига ўз муносабатларини билдиришди.

Жумладан, **Зақозиқ университети ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари институти эксперти Одил Шиха**нинг таъкидлашича, «Президент маърузасида туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида эътиборга молик натижаларни қўлга киритишга ҳамда республика мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилган замонавий Ўзбекистон тараққиётининг икки изчил босқичи атрофлича таҳлил этилган».

— Мустақил Ўзбекистон ютуқлари хорижий элларда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида ном қозонган мамлакатни ислоҳ этиш йўналишининг тўғри танланганини тасдиқлайди, — деди Одил Шиха.

**МАР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Холид Имрон** қайд этганидек, Қоҳирада Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг тақдимоти ўтказилиши Ўзбекистон ва Миср ўртасида жадал ривожланиб бораётган сиёсий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Ўз навбатида, **Аҳмад Шавқий мезейининг Карима ибн Хоний маданият маркази директори Имад Абдуваҳҳоб** ҳам ушбу тадбир мисрликларнинг Ўзбекистон халқи маданиятининг ўзига хослиги ва бой маданий мероси ҳақидаги билимларини бойитишга, шунингдек, Ўзбекистонда кечаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан Миср жамоатчилигини кенг таништиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси кўмагида ташкил этилган «Самарқанд — Марғилон — Тошкент: минг йиллар қаъридан таралган нур» номли суратлар кўргазмаси ҳамда таниқли ўзбек рассоми О. Қозоқов ижодий ишлари кўргазмасининг очилиши ҳам бўлиб ўтди.

***«Жаҳон» АА.***
Қоҳира.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА 2008 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?** Нашр кўрсаткичимиз — 229

# СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларининг жаҳон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришишдир, — деди Президент. — Шу мақсадда ушбу спорт жиҳозлари ва анжомларининг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш даркор.

Юртимизда спортнинг оммавий, шу жумладан, футзал, аёллар футболи, синхрон сузиш каби янги турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секциялар ва клубларда спортнинг атиги 8 тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт залларимизнинг жиҳозланиш даражаси спортнинг 23 тури билан шуғулланиш имконини яратмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ташаббус, хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда.. Ўтган беш йил мобайнида 140 нафар ёш спортчи халқаро тоифадаги спорт устаси, 569 нафари – спорт устаси, 7380 нафари спорт усталигига номзод унвонини қўлга киритгани бу соҳадаги муҳим кўрсаткичлардандир.

Энг муҳими, бу жараёнлар, бир томондан, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, Ватанимиз спортчилари халқаро спорт мусобақаларида шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришларида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида навқирон спортчиларимиз ўзларининг дунё спорт майдонларида қозонган қатор ғалабалари билан юртдошларимизнинг қалбига катта қувонч, фахр ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Хусусан, АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида бухоролик Аббос Атоев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса футбол бўйича 2008 йили бўладиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларини муваффақиятли якунлаб, финал босқичига йўлланма олди.

— Спорт фарзандларимизнинг иродасини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлайди, — деди Президентимиз Ислом Каримов. — Зеро, фахру ифтихор инсон учун ўзининг юксак мақсадларига эришишда катта таянч ва мадад бўлади.

Болаларни спортга кенг жалб этишда жойларда ўтказилаётган мусобақаларнинг аҳамияти катта. Ўқувчи-ёшлар иштирокидаги "Алпомиш-Барчиной", "Қувноқ стартлар", "Соғломжон — полвонжон", "Умид ниҳоллари", "Ёзги таътил" каби спорт мусобақалари, Жамғарма соврини учун футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, спорт ва бадиий гимнастика, акробатика, сузиш, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган беллашувлар яхши самара бераётир.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва истиқболига атрофлича тўхталди.

— Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ қишлоқ болалари ҳақида қайғураётганимиз ўз самарасини бермоқда, — деди Юртбошимиз. — Мактаблар қуриш, таъмирлаш, умуман мактаблар фаолияти билан шуғулланиш 3-4 йиллик иш эмас, балки доимий, узлуксиз жараёндир.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, иффатли ва ибоcли қизларимизга тўғри келавермайди. Шу маънода кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам спортнинг нафис тури бўлган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси изчил ривожланаётгани таҳсинга сазовор. Бунда Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерациясининг ёрдами катта бўлаётир. Ҳозир жойларда спортнинг мазкур тури билан 7 мингга яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда.

Мактабларда болалар спортини ривожлантиришда мутахассис ўқитувчи-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 25134 нафар жисмоний тарбия ўқитувчисининг салмоқли қисми олий маълумотлидир.

Юртбошимиз уқтирганидек, шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароит яратиш болалар спорти мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига 2006-2008 ўқув йилларида 436 нафар қиз ўқишга қабул қилингани эътиборга лойиқдир.

Президентимиз яна бир муҳим масалага эътиборни қаратди. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, аввало Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни самарали ҳал этиш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини янада теранроқ англамоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси — мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни чуқур англаб етиш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит, шу жумладан спорт билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратишдан иборат. Зеро, спорт билан машғул бўлиш маънавий юксалишнинг муҳим мезонларидандир.

Йиғилишда қайд этилганидек, Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим вилоятлардаги қурилиш ташкилотлари спорт иншоотларини қуриш нархларини ошириб, фойдаланишга топшириш муддатини асоссиз равишда чўзиб юбормоқда.

Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт секциялари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бунда қизларни спорт машғулотларига кенгроқ жалб этиш борасида сусткашлик кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича малакали тиббиёт ходимлари, мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар етишмайди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни спортга жалб этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ҳар бир Меҳрибонлик уйи ўзи жойлашган ҳудуддаги тегишли спорт мактабига бириктириб қўйилмоғи даркор. Қишлоқ мактабларида ўқийдиган қизларни, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спорт машғулотларига фаол ва мунтазам жалб этиш масаласи ҳам доимий эътиборни талаб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов, Н. Хонов, иқтисодиёт вазири Б. Хўжаев, халқ таълими вазири Т. Жўраев, халқ таълими вазирининг ўринбосари — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очилов, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Н. Кучерский ва баъзи вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

# ХАУЗАКДА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Лукойл" компанияси ва лойиҳада иштирок этаётган бошқа компаниялар раҳбарлари, давлат муассасалари вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Н.Аҳмедов Ўзбекистон билан Россиянинг нефть-газ соҳасидаги самарали ҳамкорлиги икки давлат раҳбарлари эришган келишувларнинг яна бир амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити мамлакатларимиз ўртасидаги амалий алоқаларни жадаллаштириш имконини беришини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистонни энг ишончли ҳамкорларимиздан, деб биламиз, — дейди Россиянинг "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперов. — Бугунги кунгача Ўзбекистонга киритилган молиявий сармоямиз 350 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Хаузак конининг фойдаланишга топширилиши ўзбекистонлик шерикларимиз билан нефть-газ соҳасидаги кўп йиллик ҳамкорлигимизнинг дастлабки натижасидир. "Лукойл" компанияси Қандим-Хаузак-Шоди лойиҳасидан ташқари яна битта йирик ва мутлақо янги лойиҳани амалга оширади — Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга мувофиқ Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда иштирок этади. Бу борада "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Лукойл" компанияси, Корея миллий нефть корпорацияси (KNOC), Хитой миллий нефть компанияси (CNPC) ва Petronas Caligari Overseas компаниясидан (Малайзия) иборат сармоядорлар консорциуми тузилди. Ишончим комилки, бундай ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Шундай қилиб, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Лукойл оверсиз" компанияси Хаузак участкасидан Денгизкўл-Муборак газ қувурига "зангори ёнилғини" узлуксиз етказиб бера бошлади. Ҳозир ушбу конда бешта қудуқ, газни дастлабки тозалаш мосламаси ишга туширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводида қайта ишлаш қувватлари ва ёнилғини транспортировка қилиш тизими тайёрланди.

Зарур текширув ва синовдан ўтказилган барча ускуналар бир маромда ишламоқда. Кон ишчилар билан тўлиқ таъминланди, муҳандис-техник ходимлар Ўзбекистон ва Россияда ўқитилди ҳамда тегишли тайёргарликдан ўтди. Бундан ташқари, газни сотиш бўйича тижорат операциялари амалга оширилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Хаузак-Шоди объектида Ўзбекистонда ноёб бурғулаш чиқиндиларини вақтинча сақлаш ва утилизация қилиш майдони қурилиши якунланди. Бу ерда йилига 12 минг тонна бурғулаш чиқиндилари қайта ишланади. Қайта ишланган ушбу маҳсулотнинг бир қисмидан шлакоблоклар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шу тариқа бу ерда ва кейинчалик Қандимда замонавий, экологик тоза ҳамда чиқиндисиз ишлаб чиқариш концепцияси амалга оширилади.

Қандим-Хаузак-Шоди-Кўнғирот лойиҳаси бўйича жами 180 та янги қудуқ кавлаш ва узунлиги бир ярим минг километрдан ортиқ қувур ўтказиш режалаштирилган. Кон тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади.

Қандим гуруҳи конларида қазиб олинадиган газни Россия ва Европага экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, лойиҳада йилига 8 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга замонавий газ-кимё мажмуини барпо этиш кўзда тутилган. Ушбу мажмуанинг биринчи навбатини 2011 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Бундай заводлар дунёда саноқлидир. Бундан ташқари, иккита компрессор станцияси, йиғиш пунктлари, ишчилар посёлкалари, электр узатиш линиялари, шунингдек, узунлиги қарийб 40 километрлик алоҳида темир йўл тармоғи, автомобиль йўллари барпо этилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Бухоро-Хаузак-Тошкент.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

асносида келгуси йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогнози мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқиб тайёрланганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Асосий молиявий ҳужжат иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатлар билан ўсишини таъминлашни, иқтисодиётни таркибий такомиллаштириш ва модернизациялашни, унинг энг муҳим тармоқларини техника ва технологиялар борасида янгилашни, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни назарда тутади. Унда иқтисодиётда давлат иштирокини изчиллик билан камайтира бориш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ишларини ҳар томонлама кучайтириш, иш ҳақи ва аҳолининг турмуш даражаси мудом ошиб боришини таъминлаш, тадбиркорликнинг жадал ривожланишини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш, банк-молия ва коммунал соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам мужассам топган.

Қўмиталар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган 23 та қонунни, шунингдек парламент юқори палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Уларнинг ҳаммаси ўн иккинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2007 йилнинг ўтган даври мобайнидаги иш якунлари ҳамда Сенат қўмиталарининг 2008 йилга мўлжалланган иш режалари лойиҳалари кўриб чиқилди, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш тадбир-чоралари белгилаб олинди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида таъкидландики, ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиёти ривожланиб борди, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга қаратилди, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси А.Шодмонов «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, мазкур ҳужжат мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш учун муҳим эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга ҳужжатнинг айрим нормаларини яхшилашга қаратилган таклифлар киритилди. Депутатлар киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қайта кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширдилар.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси О.Ўсаров томонидан тақдим этилди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатнинг асосий қоидалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА).**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган. Зотан, Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган йигирмадан ошиқ қонунлар ҳам ўз салмоғи, аҳамияти жиҳатидан ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.***

# ХАЛҚ МАНФААТИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Кеча сенаторлар қўмита йиғилишларида ялпи мажлис кун тартибига киритилган қонунларни яна бир карра назардан ўтказиб, уларнинг халқ, жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамиятига эътибор беришди. Биз Сенат аъзоларининг айримларини суҳбатга тортдик.

— Таъкидлаш жоизки, бу галги ялпи мажлис ўзига хос бир пайт ва шароитда ўтмоқда, — **дея ўз фикрини билдирди Сайхунобод туманидаги "Холбой-ота" фермер хўжалиги раҳбари, сенатор Абдуқаҳар ЭСИРГАПОВ.** — Аввало, Конституциямизнинг 15 йиллиги арафасида турибмиз. Бутун халқнинг орзуси, мақсади мужассам бўлган мазкур ҳужжат шу давр мобайнида ҳаёт синовидан ўтди. Халқимиз танлаган йўл нақадар тўғри эканлигини эришган ютуқларимиз кўрсатиб турибди. Давлат бошқарувининг демократик тарзда, адолатпарварлик билан тақсимлангани, қонун ижодкорлигининг профессионал тизими яратилгани Бош Қомусимиз белгилаб берган катта ютуқ эканлигини алоҳида қайд этишни истардим.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисига йигирмадан ортиқ қонунлар тақдим этилган. Ўйлайманки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида қабул қилиниб, сенаторлар томонидан маъқулланади ва жамиятимиз, халқимиз манфаати учун хизмат қилади.

— Аввало, бугун қонунларни қабул қилиш механизми анча такомиллашганлигини қайд этишимиз даркор, — **дейди Музработ агросервис касб-ҳунар коллежи директори, Сенат аъзоси Панжи МУСТАПОВ.** — Бу борада сўнгги йилларда бой тажриба тўпланди. Айниқса, жамиятдаги ўзгариш ва жараёнларга ҳозиржавоблик билан тайёрланаётган меъёрий ҳужжатлар ушбу тажриба маҳсулидир. Биргина мисол: ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун тез ва малакали тайёрланди, дейишга тўла асос бор.

— Сенатнинг бу галги ялпи мажлисида ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун долзарб саналган ҳужжатлар кўриб чиқилади, — **дея гап бошлади сенатор Сулаймон ЎРОҚОВ.** — Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масала юртдошларимизнинг ҳеч қайсисини бефарқ қолдирмайди. Бюджетнинг салмоқли қисми ўтган йиллардаги каби ижтимоий соҳани молиялаштиришга йўналтирилганини алоҳида қайд этишимиз лозим. Таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини, хусусан, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун маблағлар ажратилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, 2008 йилги Давлат бюджетида касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар қурилишига 382,4 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

новск, Самара вилоятларининг, "ТюменНИИгипрогаз" масъулияти чекланган жамияти ва "Анчар" илмий-технологик мажмуасининг тақдимоти ўтказилди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон-Россия ва Россия-Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур кўргазма ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга, ҳамкорликнинг янги имкониятларини кашф этишга хизмат қилади.

Мажлисда ҳамкорликда нефть-газ, транспорт коммуникациялари, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати ва фармацевтика соҳаларида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ульяновск вилоятидаги "УАЗ" очиқ акционерлик жамиятининг Ўзбекистондаги расмий дистрибютери — "ЭХО Экспорт" масъулияти чекланган жамияти директори Алексей ХИВИНЦЕВ:**

*— Фирмамиз "УАЗ" компаниясида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланади. Ушбу кўргазма ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Биз мазкур тадбир бошланганидан буён — икки кун давомида юзга яқин автомобиль савдоси бўйича шартнома имзолашга муваффақ бўлдик.*

**Олтой ўлкасининг "Олтой ярмаркаси" ёпиқ акционерлик жамияти директори Сергей ПОПОВИЧ:**

*— Кўргазмада Олтой ўлкасидан ун-дон ва фармацевтика маҳсулотлари ҳамда трактор ишлаб чиқаришга ихтисослашган олти корхона иштирок этмоқда. Компанияларимиз Ўзбекистондаги корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Мазкур кўргазма Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятлари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш имконини бераётганидан мамнунмиз. Олтой ўлкасидан келган компаниялар вакиллари икки кун давомида Ўзбекистоннинг энергетика, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларида фаолият юритувчи корхоналари билан қиймати бир миллион евродан зиёд ўнга яқин шартнома имзолади. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар ва ҳамкорлар учун қулай сармоявий муҳит яратилгани ва мамлакатингиз иқтисодиёти жадал ривожланаётганидан далолатдир.*

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Иқтидорларнинг миллий кўриги

Танлов

***27-30 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» Республика ёшлар танловининг сўнгги финал босқичи бўлди. Охирги босқичда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 547 нафар иқтидор соҳиби еттита номинация бўйича беллашдилар. Улар орасидан танлаб олинган 120 нафар ғолибнинг номи эртага, 1 декабрь куни, анъанага кўра, пойтахтимизнинг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтадиган тантанали тақдирлаш маросими ва гала-концерт чоғида эълон қилинади.***

Тўрт кун мобайнида финал турлари «Тасвирий ва амалий санъат», «Ахборот ва коммуникация технологиялари», «Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Архитектура ва дизайн», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар», «Бадиий ижод ва публицистика», «Спорт» каби йўналишлар бўйича пойтахтдаги бир қатор олий ўқув юртлари ва муассасаларда ўтказилмоқда.

Танловдан ташқари, финал босқичи иштирокчилари учун таниқли маданият ва санъат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, спорт усталари билан ижодий учрашувлардан иборат маданий дастур ҳам ташкил этилди. Ушбу дастур «Келажак юлдузлари» китобининг тақдимотидан бошланди. Тўпламга «Келажак овози» танловининг «Бадиий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича 2005-2006 йиллардаги ғолибларининг шеърлари киритилган. Шунингдек, ушбу ҳафталик доирасида «Ўзэкспомарказ»да «Келажак овози» танловининг олдинги йиллар ғолиблари томонидан яратилган эскизлар ва моделлар экспозицияси намойиш этилди. Улар «Замонавий дизайн ва ёшлар» мавзусидаги семинарда ҳам иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу танловнинг ўзининг қамрови билан бугунги кунда миллий лойиҳа мақомини олишга эришди. 2005 йили илк бор ўтказилган танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, бу йил жойларда 32 мингдан зиёд иқтидорли ёшлардан ариза қабул қилинди.

Рақобатнинг кучли бўлиши танловни баҳолаш мезонининг ҳам юқори бўлишига олиб келди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, республика таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг қарорига биноан, танлов ғолиблари мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинади. Бундан ташқари, ғолибларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастурга биноан, улар учун ҳар йили ёзда ўқув оромгоҳлари ташкил этилади, ёшларга ихтироларини патентлаштиришда кўмак берилади, ижод намуналари чоп этилади ҳамда улар «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази аъзосига айланишади.

«Келажак овози» маркази «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармасининг ёшларга қаратилган қатор лойиҳалари ғолиблари негизида 2006 йилнинг март ойида ташкил этилган бўлиб, бу ерда ёшлар ўзларининг ташаббус ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш имкониятларига эга. Ушбу марказ бўлимлари республиканинг барча вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Бугунга келиб, марказ аъзолари сони 5 мингдан ошди.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига




***Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Республикамизнинг барча ҳудудларида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар, муҳташам спорт иншоотлари, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари барпо этилди. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиб, ер ўз эгасини топди. Бутун мамлакат бўйлаб кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Халқимизнинг азалий қадриятларини, тарихий меросини ўрганишга ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди, аждодларимиз шон-шавкатию ақл-заковати тимсоли бўлган меъморий обидалар қайтадан қад ростлади. Дунёнинг юзлаб давлатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб мавқеини эгаллади.***

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Қўлга киритилган бу ютуқлар замирида мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси — Конституциямизда белгилаб берилган тамойиллар, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ётади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси, руҳияти, менталитети ва маданиятини, илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган. Уни яратишда халқаро ҳуқуқнинг бутун дунёда эътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилинган, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган.

Конституциямиз муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, у инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, қонунийликни ҳурмат қилиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Хусусан, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролар бир хилда эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар учун қонунда назарда тутилган ҳолларда ижтимоий таъминот олиш, касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланади.

Халқаро андозаларга тўла мос келувчи бу ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакатимиз тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Бугун биз завод ва фабрикаларда, қўшма корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, мамлакатимиз илмий салоҳиятига муносиб ҳисса қўшаётган олимлар, нуфузли билим юртларида таҳсил олаётган йигит-қизлар, спорт соҳасида юксак чўққиларни забт этиб, юртимизни дунёга танитаётган ёшлар, замонавий сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаётган қариялар ва бахтли турмуш кечираётган минглаб оилалар мисолида Конституциямизнинг ҳаётий ифодасини кўрамиз.

Бош Қомусимизнинг 32-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ умумхалқ сайловларида овоз бериш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этиш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, Конституцияга кўра, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга фуқаролар сиёсий партияларга аъзо бўлишлари, жамоат бирлашмаларига уюшишлари мумкин. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки бошқа шахс орқали давлат органларига мурожаат этиш, таклифлар киритиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фуқароларнинг сайлаш-сайланиш ҳуқуқи Конституциянинг 117-моддасида белгилаб берилган бўлиб, унда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаликлари, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши белгиланган. Фуқаролар сайловларда овоз бериш йўли билан давлат бошқарувида иштирок этадилар. Зеро, Конституциянинг 7-моддасида таъкидланганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Асосий Қонунимизда белгилаб берилган бу ҳуқуқ ва эркинликлар демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришимизда, мамлакатимиз порлоқ келажагини таъминлашимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Д. МАТРАСУЛОВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

# БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ

***«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан.

Таълим тизимининг муҳим босқичларидан бири бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ёшларга ўзи қизиққан йўналишни ихтиёрий равишда танлаш имконини беради. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари танланган касблар бўйича бир ёки бир нечта ихтисосликка эга бўлишни таъминлайдиган уч йиллик ўқув юрти бўлиб, ушбу ўқув даргоҳларида ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлмиш ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳияти порлоқ келажакни бунёд этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўтган йиллар мобайнида замонавий, бетакрор меъморий кўриниш касб этган, энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ўқув юртлари барпо этилди.

Бу ишларнинг бари Асосий Қонунимизда ўз аксини топганлиги қалбни тўлқинлантиради. Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим вазирликлари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилди.

Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ҳамда миллат ҳақли равишда бугунимиз ва эртанги кунга эгалик қила олади. Бинобарин, ёш авлодга умумбашарий тараққиёт ютуқлари, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур, пухта эгаллаш учун шарт-шароит яратиб беришимиз лозимлиги бахтимиз Қомусида ўз ифодасини топганлиги унинг улуғ ва қадрли эканлигидан далолатдир.

**Исмоил ОРТИҚОВ,**
**Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи директори, техника фанлари номзоди.**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**«VIP SERVICE NBU» маркази Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк унитар корхонаси**

**қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:**

1. **Андижон шаҳар 3-кичик даҳасидаги 48 хонадонга мўлжалланган қурилиши якунланмаган кўп қаватли турар жой биноси қурилиши.**
2. **Андижон шаҳар, Чинобод кўчасидаги ишлаб чиқариш биносини 24 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой биносига реконструкция қилиш.**

**Буюртмачи** — «VIP SERVICE NBU» маркази Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк унитар корхонаси (Тошкент шаҳри, Уч қаҳрамон кўчаси, 75-уй. Тел.: 371-139-43-64).

Қурилишни молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 224-72-79.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) танлов комиссияси йиғилишига талабгорлар (оферентлар) томонидан тақдим этилади.**
**Таклифлар (оферталар)ни танлов комиссиясига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати танлов ҳужжатларида кўрсатилади.**

1774Я/2178

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, таъминотчи ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**«Юқори босимли, кам олтингугуртли газ қувури» объектида металл қувурларни емирилишдан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган полилен материали тўпламини харид қилиш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. **Полилен материали комплекти.**
***Етказиб бериш муддати — 1 ой.***

**Буюртмачи** — Навоий вилояти, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖ.

Молиялаштириш «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Етказиб бериш шартлари** — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Тинчлик» станцияси.

**Ҳақ тўлаш шартлари** — Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олдиндан тўлов 30% миқдорида.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уй**да жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
**Тел./факс: (8-436) 225-53-85, 225-52-38.**

***Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 минг сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.**

1771Я/2195

***Ҳурматли юртдошлар!***

ASAKA BANK

# ДАТ «Асака» банки

**Конституция куни байрами арафасида сизларга миллий валютада янги муддатли «Ҳимоя» омонат турини тақдим қилади.**

***Ушбу омонат турини исталган банк филиалида очиш мумкин.***
***Омонатни сақлаш муддати — 3 ой.***
***Омонат бўйича йиллик 28 % ҳисобланади.***
***Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра ҳар ойда олиниши мумкин.***

**Бундан ташқари, «Асака» банки қуйидаги миллий ва хорижий валютада муддатли омонатларни тақдим этади:**

**Миллий валютада «Мадад — 2007» омонат тури.**

***Ушбу омонат турини исталган банк филиалида очиш мумкин.***
***Омонатнинг сақланиш муддати — 1 йил.***
***Омонат бўйича йиллик 30 % ҳисобланади.***
***Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар коммунал, ўқиш ва бошқа тўловларни тўлаш учун юборилади.***

**Евро валютада «Актив» омонат тури.**

***Ушбу омонат турини исталган банк филиалида очиш мумкин.***
***Омонатнинг сақланиш муддати — 1 ой.***
***Омонат бўйича йиллик 8% ҳисобланади.***
***Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра олдиндан олиниши мумкин.***

*ДАТ «Асака» банки сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.*

*Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**120-83-14, 120-39-95, 120-84-13, 120-84-26, 225-16-46, 257-44-10.**

1706Я/55

**УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ**

**«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ**

**Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.**







**UAZ Patriot Classic**
**UAZ Patriot Limited**

**ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР**

**ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР**

**Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.**

***Харидорлар диққатига!***
***Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!***










**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.**



## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги:
# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР



***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўн куни ортда қолди. Дастлабки маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, мазкур тадбирнинг халқ хўжалиги ва фуқаролар турмуш тарзида салмоқли ўрин тутганлигини кўриш мумкин.***

Ўтган йилга нисбатан бу йилги тадбирга Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта тайёргарликлар билан келди ва ҳукумат фармойишида кўзда тутилган мақсад-вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан бир қанча тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқди.

Ойликнинг биринчи ўн куни мобайнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 9153 та корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Мазкур текширишлар давомида 336 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчи билан учрашув ҳамда суҳбат уюштирилди, 8189 та ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бузган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 13 миллион сўмликдан зиёд жарима солинди. Ёнғин чиқиши мумкин бўлган 921 та корхона, цех ва омборхоналардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди, 6500 та носоз электр мослама, агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Халқ хўжалигининг муҳим ва тараққиётимизнинг асосий бўғинлари — ўта муҳим ва алоҳида тоифаланган масканларда ёнғиннинг олдини олиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадбир давомида шундай масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши учун 1 та ёнғин ўчириш сув насоси, 26340 метр енглик, 19 та ёнғинга қарши қалқон, 3208 та ёнғин ўчириш воситаси харид қилинди. Шунингдек, 6 та ўта муҳим ва алоҳида тоифаланган масканнинг ёнғинни автоматик равишда ўчириш қурилмаси таъмирланди, 6 та бино ҳамда иншоот ёнғинни зудликда сезувчи ва хабар берувчи мослама билан жиҳозланди.

Маълумки, кейинги пайтларда содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келганлиги сабабли «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» иш режасида фуқароларнинг уй-жойларини ёнғин офатларидан муҳофаза этишни кучайтириш мақсадида маҳаллалар, қишлоқ фуқаролик йиғинларида жамоатчилик билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш, хонадонларда ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш вазифалари ҳам кўзда тутилган. Шунга кўра ўтган вақт мобайнида республика бўйича 566 мингдан ортиқ аҳоли турар жойлари, 6194 та кўп қаватли уйнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ёнғинга олиб келадиган ҳолатлар юзасидан чоралар кўрилди. Бу тадбирларга жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари кенг жалб этилди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги нафақат ишлаб чиқариш тармоқлари ёки аҳоли турар жойларида, балки олий ўқув юртлари, даволаш муассаларида ҳам кенг миқёсда ўтмоқда. Энг асосийси, ойлик миқёсида амалга оширилаётган ишлар барча жойда ёнғинларнинг кескин камайишига ёрдам бермоқда.

**Даврон ҚАМБАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ ЁООБ катта муҳандиси, капитан.**

# Аёллар ишли бўлди

***Гулистонлик 198 нафар аёл муқим иш билан таъминланди. Бу аёллар тўқиган гилам, кашта, дўппи, кўрпаю кўрпачалар, зардўзлик маҳсулотлари эндиликда вилоятдаги қатор бозорлар растасини тўлдирмоқда.***

**▼ Бандлик**

Гулистон шаҳри бандликка кўмаклашиш маркази касаначиликни ривожлантиришга ҳамда ишсизликни тугатишга муносиб улуш қўшиб келаяпти. Шу йилнинг 10 ойи давомида 839 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 300 нафар кишига эса ишсизлик мақоми берилиб, ижтимоий ҳимояга олинди. Марказ уч маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил этди. Унда юзлаб кишилар доимий ишли бўлди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"INTEGRAL ASIA"
17" мониторли
P4 компьютерлари
Тошкентдаги омбордан
595 000 сўмдан бошлаб




Пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Тошкент ш., Фарғона йўли к.13/12,
тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.
Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integr-asia.com
1742H/1847



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 230-сонида берилган эълонда келтирилган «КЕЙС-2022» русумли 4 та пахта териш машиналари Бўка туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочисининг 2007 йил 21 ноябрдаги 1172-сонли мурожаатидаги тузатишга асосан «Жасур капитал» МЧЖга тегишли деб ўқилсин.
1769H/2041




*Австралиянинг Сидней шаҳрида Осиё футбол конфедерациясининг йил лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## *Рауф Инилеев —*
# Осиёнинг энг яхши мураббийи

**▼ Хушхабар**

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев Осиёнинг 2007 йилдаги "Энг яхши мураббийи" дея эътироф этилди. Рауф Инилеев ўзбек футболи тарихида бундай нуфузли номинацияга эга бўлган иккинчи мураббий ҳисобланади. Бугунгача терма жамоа собиқ бош мураббийи марҳум Маҳмуд Раҳимов ҳам шундай шарафли номга сазовор бўлган эди.

Ўзбекистонлик мураббийнинг Осиёда тенгсиз, деб тан олинишида миллий терма жамоамизнинг жорий йил Осиё кубогида кўрсатган чиройли ўйинлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ўшанда йигитларимиз мусобақанинг чорак финалигача етиб борган ва фақатгина ҳакамнинг қўпол хатоси уларни муваффақиятли юришдан тўхтатиб қолган эди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШДИ

***Наманган вилоятида от спорти йил сайин ривожланиб бораётир. Бунда етук чавандозларни тарбиялаб бераётган болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби жамоасининг муносиб ҳиссаси бор.***

Беш нафар мураббий бошчилигида мунтазам шуғулланаётган ёшлар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда.

Яқинда вилоят марказидаги отчопарда Фарғона водийси чавандозлари биринчилиги ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдидан ташкил этилган мазкур беллашувда 50 нафардан ортиқ спортчилар ўз арғумоқлари билан тўсиқлардан сакраш бўйича маҳоратларини намойиш этишди. Фахрли биринчи ўрин ва қимматбаҳо совринлар мусобақа шартларини уддалаган наманганлик Владимир Шмелёв ва Юсуфжон Абдураҳмонов ҳамда Андижон вилояти вакили Муҳаммаджон Жўраевларга насиб этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:
ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.
1505H/1823



*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
ёстиқ жилди, кўрпажилд, дастрўмол, ичёқа, фуқаролар киядиган намунадаги «пилот» типидаги қишки чарм куртка, 60 фоизли хўжалик совуни.
Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.
Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 10 декабрь соат 17.00 гача.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 136-39-60, 281-43-72, 255-76-72.
Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz
1756R/2159



Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили
«ADVENT EURASIA» ҚК
«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.




Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.
*Маҳсулот сертификатланган*
*Кафолат муддати — 3 йил.*
Тел./факс: 234-10-97.
Телефон: 234-19-53.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.
1472R/1346








*Мебель ва мебель маҳсулотлари истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари, ташкилотлар, улгуржи савдо корхоналари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!*
FAYZ
2007 йил 4 — 6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида «Файзмебелкўргазмасавдо» биносида республикамиздаги
МЕБЕЛЬ ВА МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ
бўлиб ўтади.
Ҳар хил турдаги мебель, ламинатланган плиталар, поролон, мебель учун фурнитура ва ортопедик матрацларга
буюртмалар бериш ва шартномаларни тузишга бағишланган ярмаркамизга таклиф этамиз.



Республика улгуржи савдо ярмаркасини ўтказиш манзили: Тошкент ш., Сергели-3 даҳаси, Массон к., 1-уй, «Файзмебелкўргазмасавдо».
Тел.: 258-03-93, 258-12-22, 258-12-24.
1766R/2194



NURON
Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй.
Тел.: 294-60-60.
Факс: 120-74-93.
www.nuron.uz
Маҳсулот сертификатланган.
Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL
LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил

Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил
FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

Шахсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил




«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекциясининг (АНИДИ) собиқ бўлим бошлиғи **Адҳам Эргашевич ЮНУСОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти жамоаси акушер-гинеколог **Флора Назаровна МАТЧАНОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси масъул ходим Сулаймон Рўзиевга падари бузруквори **ДАВРОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6 8